# Нефтмаҳсулотлариниетказибберишҳақидаги
# ШАРТНОМА № 28.

"28" январ 2022 йил. Шахрихон тумани

**Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси** қуйида "Истеъмолчи" деб номланувчи номидан Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари **А.Умурзаков** бир томондан ва иккинчи томондан **"Андижон нефт базаси"МЧЖ Шахрихон филиали**нинг қуйида "Етказиб берувчи" деб номланувчи жамият номидан 05.01.2022 йил кунги № 01/06 - сонли Ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбари **Д.Иназаров**лар ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

ШАРТНОМА МАЗМУНИ

"Етказиб берувчи", "Истеъмолчи"га нефт маҳсулотларини "Истеъмолчи"нинг талабномада кўрсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

| Нефтмаҳсулотлар нинг тури | Йиллик миқдор (тонна) | 1 тонна нархи (сўмда) Биржа савдоларида аниқланган ўртача нархда | Тахминий умумий суммаси | Шу жумладанчораклар бўйича | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | I-чорак | | II –чорак | | III –чорак | | IV-чорак | |
| | | | | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма |
| Автобензин АИ-80 | | | | | | | | | | | |
| Автобензин АИ-91 | | | | | | | | | | | |
| Автобензин АИ-95 | | | | | | | | | | | |
| Дизель ёнилғиси | | 12 156 571 | | | | | | | | | |
| Дизель ёнилғиси (ЭКО) | 3,72 | 13434869 | 49977712=68 | 3,72 | 49977712=68 | | | | | | |
| Учоқ ёқилғиси | | | | | | | | | | | |
| **ЖАМИ:** | 3,72 | | 49977712=68 | 3,72 | 49977712=68 | | | | | | |

1.1. "Истеъмолчи" маҳсулот учун тўловини ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва хажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 49977712=68 (Қирқ тўққиз миллион тўққиз юз етмиш етти минг етти юз ўн икки сўм) 68 тийин. ни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть махсулотларини ташишда куйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя килишни хамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган холатда автоцистерналарга махсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2."Истеъмолчи"да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда махсулотни топшириш ва қабул қилиш "Маҳсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Етказиб берувчи"нинг омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Истеъмолчи"нинг махсус автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш "Ҳавфли юкларни ташиш қоидалари"га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси "Етказиб берувчи" нефт омборига киритилмайди.

2.3.Нефт маҳсулотлари "Истеъмолчи"га "Етказиб берувчи"нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Истеъмолчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Истеъмолчи"нинг омборида "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт наклиётига имзо қўйилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита "Истеъмолчи" вакилининг хохишига кўра "Етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари "Етказиб берувчи"га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун "Истеъмолчи"нинг ишончномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шахобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. "Истеъмолчи" вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида "Истеъмолчи"нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тулиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл траснпортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни кабул килиш амалдаги "Нефть, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма"га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик хуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбариятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган такдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик "Истеъмолчи" зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортда ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи"нинг автотранспортида олиб кетиш холатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш "Истеъмолчи"нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. "Етказиб берувчи" нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро хисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. "Истеъмолчи" олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг хисоб-рақамига хақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини "Истеъмолчи"га биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан кел чиқиб, «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари хамда устамасини қўшиб шаклланадиган нархларда сотади.

Бунда нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сонли қарорида кўрсатиб ўтилган истеъмолчиларга сотилган дизель ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилғиси) ҳажми учун чегирма ажратилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари хамда устамасини қўшиб шаклланадиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть махсулотларини "Етказиб берувчи" таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть махсулотини ташиш билан боғлик темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, схуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт махсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

## 4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

**4.1.** Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а)«Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш хужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш оркали;

б)«Истеъмолчи» транзит оркали махсулотларни кабул килишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

**4.2.** Эгалик хуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси худудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

**4.3**. Нефт маҳсулотларини миқдор ва сифати буйича "Истеъмолчи" ,"Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифати жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага хамда бошқа меъёрий хужжатларга амал қилинади.

## 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. "Истеъмолчи" нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3Нефт маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хуқуқига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**6.1.** Шартноманингхарбирбажарилмаганбандлариучунтомонлармоддийжавобгардир.

**6.2.** «Етказибберувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказибберишни кафолатлайди. Хар икки томон нефтмахсулотларини етказибберишва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть махсулотларини хисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

**6.3.** «Истеъмолчи» нефть махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

**6.4.** «Истеъмолчи» томонидан унинг худудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

**6.5.** «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик қийматини ундириш хуқуқига эга.

**6.6.** Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конунга биноан қўлланилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

**7.1.** Хар икки томон хам қуйидаги холатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтниқайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси хукумати, Вазирлар Махкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган холларда.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

**8.1.** ________________________________________________________________________________

## 9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

**9.1.** Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда булиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина хақиқий ҳисобланади.

**9.2.** Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан хал этилади. Иккалатомонмустакил хал эта олмайдиганмасалаларбелгилангантартибдаиктисодийсудларида хал этилади.

**9.3.** Мазкуршартнома 2 нусхадатузилдиватенгхукукийкучгаэга.

**9.4.** Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

## 10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» | «ИСТЕЪМОЛЧИ» |
|---|---|
| **Номи:**"Андижон нефт базаси" МЧЖ Шахрихонфилиали<br>**Манзил:** Шахрихон шахри<br>С.Самиев кўчаси №1-уй<br>**Ташкилот у-н х/р**:22604000700285788702<br>**АЁҚШлар у-н х/р**: 22604000500285788701<br>**ИНН:** 200240109, **МФО:** 00432<br>**Банк:** "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Яшнаобод фил. **Телефон:** (74) 342-34-31<br>**Филиал бошлиғи в.в.б** ________________ **Д.Иназаров** | **Номи:** Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси<br>**Манзили:** Улугнор туман ШахриободМФЙ Шахрихон кўча<br>**Тел:** 74 761 13 47<br>**Ш.Х.Р**: 1000228600321770652001100004<br>**ИНН**:200273842 **ОКОНХ**: 90211<br>Ғазначилик бўлинмаси номи<br>Улугнор тумани буйича Газначилик булинмаси<br>Х/Р(ғазна): 23402000300100001010<br>МФО: 00014 ИНН (ғазна) 201122919<br>Банк номи: Марказий банк тошкент шахар ХККМ<br>Рахбар: ________________ А.Умурзаков |

SHAHRIXON FILIALI

**Хукукий хулоса:**Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конуни талабларига зид эмас.

**Юристконсульт:** ________________________

2022 йил "28" январ кунги
№ 18. сонли шартномага
1 - илова

## Нефт махсулотларини истеъмол қилиш миқдори

| Ойлар номи | Дизел | | | Бензин | | | Нефт махсулотларини жами сумма | Шундан тўловлар манбаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Миқдори (тонна) | Нархи | Суммаси | Миқдори (тонна) | Нархи | Суммаси | | Бюджет хисобидан | Махсус хисоб рақамдан |
| **Йиллик учун жами** | 3,720 | | 49977712-68 | | | | 49977712-68 | | |
| **1-чорак** | | | | | | | | | |
| Январ | | | | | | | | | |
| Феврал | 3.720 | 13434869 | 49977712-68 | | | | 49977712-68 | | |
| Март | | | | | | | | | |
| **2-чорак** | | | | | | | | | |
| Апрел | | | | | | | | | |
| Май | | | | | | | | | |
| Июн | | | | | | | | | |
| **3-чорак** | | | | | | | | | |
| Июл | | | | | | | | | |
| Август | | | | | | | | | |
| Сентябр | | | | | | | | | |
| **4-чорак** | | | | | | | | | |
| Октябр | | | | | | | | | |
| Ноябр | | | | | | | | | |
| Декабр | | | | | | | | | |

Изох: бюджет ташкилоти томонидан истеъмол килинган нефт махсулотлар миқдори шартномада келишилган миқдордан ортиб кетганда, ортиқча истеъмол килинган нефт махсулотлари учун харажатлар бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан қопланади.

**"Таъминотчи"**

**Номи:** Андижон нефт база МЧЖ Шахрихон филиали
**Манзили :** Шахрихон шахар Самиев куча 1 уй
**Тел:** 74 324 26 94, 74 342-34-31
**Банк номи:** Узсаноаткурилиш банк АТБ Яншнобод филиали
**Х.Р:** 22604000700285788702.
**МФО:** 00432
**ИНН** 200240109 **Оконх** 80100

Рахбар: ____________ Д.Иназаров
(имзо)

**"Бюджет ташкилоти"**

**Номи:** Улугнор туман Ободонлаштириш бошкармаси
**Манзили:** Улугнор т-н Шахриобод МФЙ Шахрихон куча
Ш.Х.Р: 10002286003217706520011 0004
ИНН: 200273842 ОКОНХ: 90211
***Ғазначилик бўлинмаси номи***
Улугнор туман буйича газаначилик булинмаси
Х/Р(ғазна): 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН:(ғазна) 201122919
Банк номи: Марказийбанк Тошкент шахар ХККМ

Рахбар: ____________ А.Умурзаков
(имзо)

ктрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: OP7161281033

ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
ANDIJON VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
ULUG'NOR TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170400, Ulug'nortuman, Mustaqillikko'chasi 1-uy.
Тел.: (998 74) 761 10 23

# YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA
## №

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**.
2. Loyihaning nomi. **«Andijon neft bazasi» MCHJ Shaxrixon filialiga pul o‘tkazish to‘g‘risida**

Ulug‘nor tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va uning nomidan nizom asosida faoliyat olib boruvchi rahbari A.**Umirzakov** va «Andijon neft bazasi» M.Ch.J nomidan 05.01.2022 yil №01/06-sonli Ishonchnoma asosida faoliyat yurituvchi raxbari **D.Inazarov** o‘rtasida tuzilgan umumiy summasi QQS bilan 49977712,68 (qirq to’qqiz million to’qqiz yuz etmish etti ming etti yuz o’n ikki) so‘m 68 tiyinlik 2022-yil 28-yanvar kungi № 18-sonli shartnoma.

3. Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, uni qabul qilish va ijroga qaratish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**: **Q.Giyasov**